

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАММАТОВ ЖАСУРБЕК ШАРИПОВИЧ**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ШАРОИТИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЖИСМОНИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИГИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2020**

УДК: 796.012.263:338.28:078

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Жамматов Жасурбек Шарипович**

Умумтаълим мактаби шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг  
табақалаштирилган жисмоний тайёргарлиги.....3

**Жамматов Жасурбек Шарипович**

Дифференцированная физическая подготовка школьников начальных  
классов в условиях общеобразовательной школы.....27

**Jammatov Jasurbek Sharipovich**

Differentiated physical training of primary school pupils in the condition of  
secondary school.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАММАТОВ ЖАСУРБЕК ШАРИПОВИЧ**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ШАРОИТИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ  
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЖИСМОНИЙ  
ТАЙЁРГАРЛИГИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчик – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PHD/Ped 446 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.uz-dii.uz](http://www.uz-dii.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Маткаримов Рашид Машарипович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Қошбахтиев Ильдар Аҳмедович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ҳоджаев Фахриддин**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "12" декабр соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211 358 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2020 йил "1" декабр куни тарқатилди.

(2020 йил "1" декабр даги 13 рақамли реестр баённомаси).



**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

**Б.Б.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.и., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг барча давлатларида ўқувчи ёшлар орасида соғломлаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ сўнгги йилларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ривожланиши ҳамда жисмоний тайёргарлик ҳолати пасайиб бориши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия жараёнининг паст самарадорлиги, жумладан, жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларнинг жисмоний ҳолатига нисбатан индивидуал ёндашувнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти кўпгина мактаб ўқувчилари учун саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳамда жисмоний тайёргарликни оширишда зарур эҳтиёжга айланмаган. Жисмоний тарбия бўйича таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири бу таълим жараёнини ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги ҳолатига мувофиқ ҳолда ташкил қилишдир.

Етакчи хорижий давлатларда ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ошириш воситалари ҳамда услубларидан мақсадли фойдаланишга доир илмий тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда. Умумтаълим муассасаларида у ёки бу жисмоний сифатлар паст даражада ривожланган ўқувчилар билан улардаги мавжуд камчиликлар сони ва даражасидан келиб чиққан ҳолда турли хил шаклдаги коррекцияловчи ишлар ўтказилиб келинмоқда. Бироқ бошланғич синф ўқувчиларининг табақалаштирилган жисмоний тайёргарлиги етарлича тўлиқ ўрганилмаган. Мавжуд маълумотлар эса тарқоқ ва бир-бирига зид фикрларни намоён этмоқда. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, жисмоний тайёргарликни табақали ривожлантиришни ташкил этиш шакллари етарлича ўрганилмаган.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, болалар ва ўқувчи ёшларнинг спорт билан оммавий шуғулланишлари, фаол дам олиш шаклларида фойдаланишни таъминловчи амалий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, соғлом авлодни тарбиялаш республикамиз давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган, «... бутун таълим тизимининг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир».<sup>1</sup> Бугунги кунда умумтаълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича белгиланган меъёр талабларини бажара олмайдиган ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай болаларнинг сони кўплигини инобатга олган ҳолда улар билан жисмоний тайёргарлик юзасидан коррекциялаш ишларини олиб бориш тақозо этилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда жисмоний тайёргарлигини мониторинг қилиб бориш, ўсишда орта қолаётган жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган машқлар

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент – 2017 й. 145-б.

мажмуаларини яратиш зарур. Бундай машқлар мажмуаларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир ўқувчи учун унинг индивидуал камчиликларини бартараф этишга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, умумтаълим мактаби шароитларида мониторинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларининг табақалаштирилган жисмоний тайёргарлиги методикасини ишлаб чиқиш бизнинг илмий тадқиқотларимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ватанимиз ва хориждаги қатор олимлардан А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкельдиев, В.К.Бальсевич, В.И.Лях, Р.С.Саламов, Д.Д.Шарипова ва бошқалар шуни эътироф этишадики, умумтаълим мактабидаги жисмоний тарбиянинг шаклланган «анъанавий» тизими ўсиб келаётган организмнинг ҳаракат фаоллигига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди.<sup>2</sup> Жисмоний тарбия жараёнини жадаллаштириш ва юзага келган қарама-қаршиликларни хал этиш учун айрим муаллифлар, жумладан, В.И.Лях, А.А.Гужаловский, Ю.Ф.Курамшин ва бошқалар мактаб ўқувчиларнинг ҳаракат қобилиятлари ва жисмоний сифатларини инобатга олган ҳолда танлаб-йўналтирилган юкламалардан фойдаланишни таклиф қиладилар.<sup>3</sup>

<sup>2</sup> Абдуллаев А., Ханкельдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти: Жисмоний тарбия институти ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. - Т., 2018. 268-б.; Бальсевич В.К. Физическая культура для всех и для каждого. / М.: Физкультура и спорт, 1988. – 208 с.; Лях В.И. Двигательные способности школьников. Основы теории и методики развития / В.И. Лях. - М.: Терра - Спорт, 2000. - 192 с.; Саломов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. 1-жилд. –Т.: Ilmiy texnika axboroti press nashriyoti, 2018. – 296 б.; Шарипова Д.Д. и др. Формирование здорового образа жизни. Учебное пособие для студентов институтов физической культуры и факультетов физического воспитания.Т., 2005. 180 с.

<sup>3</sup> Лях В.И. Двигательные способности школьников. Основы теории и методики развития / В.И. Лях. - М.: Терра - Спорт, 2000. - 192 с.; Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. Минск: Нар. расцвета, 1978. – С. 88.; Курамшин Ю.Ф. Методы обучения двигательным действиям и развития физических качеств: Теория и технология

Кичик мактаб ёши болалар организмга мақсадли таъсир кўрсатишнинг қулай даври ҳисобланади. Ватанимизнинг бир қатор олимлари Т.С.Усманходжаев, Ю.М.Юнусова ва бошқалар ўз тадқиқот ишларида мунтазам машғулотларнинг болалар жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини эътироф этадилар. Маълумки, кичик ёшдан жисмоний тарбия воситаларидан фойдаланмаслик шунга олиб келадики, организмнинг турли-туман имкониятлари тўлалигича рўёбга чиқмайди ва аниқ сифатларни ривожлантириш ҳамда уларни амалга ошириш учун анча кўп вақт ва катта куч керак бўлади.<sup>4</sup>

Ҳозирги замон шароитларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлиги жисмоний сифатларни комплекс ҳолда тарбиялаш воситалари ва методларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда табақалаштирилган ёндашувни ташкил этиш самараси кўпгина тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади, бунда машқларнинг деярли ҳамма турларини бажариш ва барча жисмоний сифатларни намоён қилиш учун болаларнинг интеграциялашган ривожланишини ташкил этиш зарур эканлиги алоҳида таъкидланади. А.А.Гужаловскийнинг фикрича, кичик мактаб ёши жисмоний сифатларни ривожлантириш учун энг қулай давр ҳисобланади. Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиқиб, ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш бўйича таълим жараёнини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш ўта долзарб ҳисобланади.<sup>5</sup>

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тарбияланувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия тизимида педагогик технологияларни такомиллаштириш» мавзуси бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини табақали ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлигини баҳолаш ҳамда мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия дарсларида махсус ишлаб чиқилган компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний

---

применения: Учебное пособие. – СПб., 1998.

<sup>4</sup> Усманходжаев Т.С. Научно-педагогические основы физического совершенствования детей в связи с их двигательной активностью. Автореф. дис. докт. пед. наук. Ташкент, 1995. -50 с.; Юнусова Ю.М. Теория и методика физической культуры. Учебник по направлению бакалавриата спорт/ Ю.М. Юнусова; Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан. – Т.: Иктисод-молия, 2007. – 312 с.

<sup>5</sup> Гужаловский А.А. Развитие двигательных качеств у школьников. Минск: Нар. расцвета, 1978. – С. 88.

ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини баҳолаш шкаласини ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражаларини инобатга олган ҳолда жисмоний машқларни меъёрлаш таснифини ишлаб чиқиш;

ўқув машғулотларини ташкил қилишда индивидуал-гуруҳли методдан фойдаланган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини оширишнинг табақалаштирилган методикасини тажрибада асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-сон умумтаълим мактабида жисмоний тарбия бўйича дарс жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний тарбия воситалари, методлари ва жисмоний машқларни бажаришда меъёрлаш турларининг таснифи олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** илмий-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлили.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчилари учун ишлаб чиқилган «Ақлли мактаб» дастури ёрдамида жисмоний ва функционал тайёргарлик кўрсаткичларини аниқлаш механизмлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини замонавий технологиялар ёрдамида ўқув материалларини ўзлаштириш ва баҳолаш шкаласини тизимли ёндашуви асосида жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик мезонлари машқларни бажаришда организмга мос тушадиган юклама даражалари бўйича (ташкилий-методик) такомиллаштирилган;

жисмоний ҳаракатларни бажаришда машқларни танлаш, такрорлаш сони, давомийлиги, бажариш суръати, амплитудаси, ишлаш даражаси, ҳолати ва хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиш ҳамда таққослаш асосида тартиблаштирилган таснифи оптималлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия машғулотларини ташкил қилиш ва ўтказишда индивидуал-гуруҳли ёндашув асосида табақалаштирилган методдан фойдаланиш имконияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини назорат қилишнинг компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда уларнинг табақалаштирилган жисмоний тайёргарлиги методикасини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражасини инобатга олган ҳолда жисмоний машқларни етти қисмдан иборат меъёрлаш таснифи ишлаб чиқилган.

Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигининг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда



жисмоний тарбия дарсларида индивидуал-гурухли методдан фойдаланиш самарадорлиги тажрибада исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги шу билан аниқландики, ишда қўлланилган ёндашувлар, методикалар ва назарий материаллар расмий манбалардан олинган, тажриба ишлари натижалари математик статистика методлари ёрдамида ишлаб чиқилган. Хулосалар, таклифлар ва амалий тавсиялар амалиётга жорий қилинган бўлиб, тегишли ташкилотлар томонидан жорий этиш далолатномалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, асосий назарий ҳолатлар амалий тавсияларда тақдим этилган ва умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан дарс жараёнида, шунингдек, талабалар ҳамда малака ошириш курси тингловчилари учун маърузаларда фойдаланилиши мумкин. Тадқиқотлар давомида олинган материаллар бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилишдаги назарий билимларни бойитишга ва кенгайтиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, махсус ишлаб чиқилган компьютер дастуридан фойдаланиш асосида бошланғич синф ўқувчилари билан олиб бориладиган жисмоний тарбия дарсларини такомиллаштириш, уларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикасини кузатиш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарликдаги камчиликларни ташхислаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш, соғломлаштириш бўйича инновацион дастурлар ва технологияларни жорий этиш самарадорлигини мониторинг қилиш ва таълим муассасаси, умуман, таълим тизимининг болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган ишларини баҳолаш амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбиясини табақалаштириш бўйича умумтаълим мактаби шароитларида ўтказилган тажрибалар асосида:

умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигининг сон ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга асосланган махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури бўйича таклиф ва тавсиялар «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилиятлар)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги 13-15%га яхшиланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги даражаларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний машқларни бажаришда етти қисмдан иборат меъёрлаш турларининг таснифи асосида «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилиятлар)» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги 15,1% га яхшиланган;

болаларнинг тайёргарлик даражасини (юқори, ўрта, паст) ҳисобга олган ҳолда жисмоний машқларни бажаришда бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини баҳолаш ҳамда мониторинг қилиш тизимини қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилиятлар)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг юрак-қон томир тизими кўрсаткичлари 15,3% га яхшиланган;

бошланғич синф ўқувчиларини тайёрлашнинг табақалаштирилган методикасидан фойдаланишнинг методик ёндашуви ишлаб чиқилиб, таклиф ва тавсиялар асосида «Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (жисмоний қобилиятлар)» номли ўқув қўлланма нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан 418-053 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич синф ўқувчиларида нафас олиш тизими кўрсаткичлари ўртача 12,5% га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 120 саҳифали матн, 3 та расм, 12 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши,

апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Жисмоний тарбия жараёнида бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тайёргарлигининг илмий-назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия тизимини такомиллаштириш муаммолари, бошланғич синф ўқувчиларининг анатомик-физиологик хусусиятлари ва ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва уни баҳолаш тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларнинг ривожланиш хусусиятлари ва умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний маданият жараёнида табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланиш асослари ва мазмуни очиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш масаласи, олимлар ва етакчи мутахассисларнинг мазкур масалани ҳал этишга катта эътибор қаратаётганликларидан қатъи назар, таълим тизимининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда [Ч.Т.Иванков, 2000; В.К.Бальсевич 2000; Ю.Ф.Курамшин, 1998; А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкельдиев, 2018; Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, 2000; В.И.Лях, 2006; Р.С.Саламов, 2018 ва бошқ.].

Ватанимиз ва хорижий олимлар [В.С.Бальсевич, 2000; Т.С.Усманходжаев, 1995; В.И.Лях, 2006; Ю.Ф.Курамшин, 1998; А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкельдиев, 2018; Д.Д.Шарипова, 2005; Ю.М.Юнусова, 2007; Б.Х.Ланда, 2008; Ф.А.Керимов, 2018; Р.С.Саламов, 2018 ва бошқ.] томонидан тажриба тадқиқотлари асосида болаларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи организм тизимларининг ривожланиш самарадорлиги асослаб берилган.

Кўпгина олимлар [А.А.Гужаловский, 1988; Б.Х.Ланда, 2011; В.К.Бальсевич, 2000; В.И.Лях, 2000; Л.П.Матвеев, 2008; Ф.А.Керимов, 2018; О.В.Гончарова, 2018 ва бошқ.] онтогенезнинг муайян даврларида жисмоний сифатларни ривожлантириш мақсадида табиий ўсиш суръатларига эга бўлган ҳаракат қобилиятларини мақсадли жисмоний машқлардан фойдаланган ҳолда ошириш зарурлиги тўғрисида ижобий фикрлар билдиришган.

Бир қатор олимлар [Г.А.Абрамашвили, 2012; Д.Антонюс, 1991; А.Б.Бгуашев, 1998; Л.Г.Забелина, 2004; С.М.Ахметов, 1996; Е.Н.Бобкова, 2006; А.А.Гужаловский, 1979, 1983; С.И.Изаак, 1997; Р.Р.Салимзянов, 2003; М.Н.Тиюнайтес, 2010; Т.С.Усманходжаев, 1995; О.В.Гончарова, 2015, 2018 ва бошқ.] томонидан аниқланганки, таълимда табақалаштирилган ёндашув турли ёш гуруҳидаги болалар билан ишлашда катта аҳамиятга эга. Бироқ мазкур олимларнинг тадқиқотларида айнан табақалаштирилган жисмоний тайёргарликка доир етарлича маълумотлар учратмадик.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг усуллари ва унинг ташкил қилиниши» деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни ўтказиш давомида фойдаланилган қуйидаги илмий-тадқиқот методлари ёритилган: махсус илмий ва методик адабиётлардаги маълумотларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлиги ривожланишини мониторинг қилишни амалга ошириш ва дарс жараёнини педагогик кузатиш, педагогик назорат тест синовларини ўтказиш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик статистика методлари ёрдамида ишлаб чиқиш йўллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг ташкил этилиши бўйича батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида табақалаштирилган ёндашув» деб номланган учинчи бобида компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда синов натижалари бўйича ўқувчиларни индивидуал-гуруҳли табақалаштириш методикаси, табақалаштирилган ёндашув орқали бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги мониторингини амалга ошириш дастури ҳамда педагогик тажрибадан олдин бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобда биз томонимиздан ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини мониторинг қилиш компьютер дастури баён қилинган бўлиб, бу дастурнинг жорий этилиши қуйидагиларга имкон яратади:

- умумтаълим мактабида ўқиш даврида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги динамикасини кузатиш;

- бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигидаги камчиликларни ташхислаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Шу билан бирга, тезлик, координация, тезлик-куч, куч, чидамлилиқ, эгилувчанлик ҳаракат сифатларини аниқлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларини соғломлаштириш бўйича инновацион дастурлар ва технологияларни жорий этиш самарадорлиги мониторингини олиб бориш;

- таълим муассасаси ва, умуман, таълим тизимининг болалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдаги ишларини баҳолаш;

- умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг (7-10 ёш) жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражаси бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш.

Назорат синовлари натижалари маълумотлари компьютерга киритилгандан сўнг ҳисоб-китоблар бажарилиб, учта даража (юқори, ўрта, паст) ажратиб олинди. Улар монитор экранида уч хил рангда: юқори - яшил рангда, ўрта - сариқ ва паст - қизил рангда пайдо бўлади (1-жадвалга қаранг).

# 1-жадвал

## Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги мониторинги компьютер дастури

№	Ф.И.Ш.	Умумий маълумотлар				Антропометрик кўрсаткичлар			Юрак қон-томил системаси кўрсаткичлари		Нафас опиш системаси кўрсаткичлари				Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари					Жаъли балл	Даража (Юқори, ўрта, паст)
		Жинс (Ўғил, Қиз)	Тутилган вақти, кун, ой, йил	Бўйи (см)	Оғирлиги (кг)	Кўрак қафаси айланаси (см)	Руфье testi	Ортостатик ситнов (сек.)	Шағнаге ситнови (сек.)	Генче ситнови (сек.)	3x10 м моксицион югуриш (сек)	Турган жойдан узунликка сарқаш югуриш (см)	6 даққача югуриш (метр)	30 мга Югуриш (сек.)	Ўтирган молда олдига энгалиш (см)	Тортпиш (марга)					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19			
1	Магчанова Зарина Сарвар кизи	Қ	19.12.2011	134	26	56	8,8	4	9	9	11,3	87	510	5,7	3	12	29	Юқори			
2	Макаримов Умидбек Шерали ўғли	Ў	03.08.2011	126	25	60	10	2	34	28	10,3	132	775	5,6	3	1	28	Юқори			
3	Улғабеков Раҳимбой Ойбек ўғли	Ў	06.04.2011	124	28	59	5,6	8	35	18	10,9	122	782	5,6	11	1	28	Юқори			
4	Худойбергенов Темур	Ў	23.02.2012	121	25	60	8,8	8	29	29	10,5	102	745	5,6	12	1	28	Юқори			
5	Жуманиёзов Фарид Азаматович	Ў	28.03.2011	133	27	60	9,2	16	36	27	10,8	97	780	5,4	9	1	27	Юқори			
6	Каримов Оллаберган Омонбой ўғли	Ў	02.04.2011	124	24	60	12,4	4	33	28	10,9	92	750	5,6	9	1	27	Юқори			
7	Фарходов Ойбек Улғабековна	Қ	06.09.2011	132	35	64	16,8	4	5	9	10,3	128	718	5,4	16	1	27	Юқори			
8	Худойбергенова Севинчой Сардор кизи	Қ	08.07.2011	122	26	59	9,6	8	35	26	12,4	75	720	5,8	11	8	27	Юқори			
9	Йулдошева Сапарул Илкомбой кизи	Қ	31.04.2012	121	20	55	10	12	31	22	11,5	88	713	6,1	11	23	27	Юқори			
10	Қутлубуратова Гули Дилшод кизи	Қ	12.05.2011	128	27	63	11,2	4	34	31	11,5	90	520	6,4	10	10	27	Юқори			
11	Джуманиязова Жаҳонир Ойбек ўғли	Ў	05.09.2012	126	26	61	13,6	12	17	14	11,7	70	768	5,6	9	1	27	Юқори			
12	Шарипов Аброр Бахрамович	Ў	28.09.2011	120	26	59	14,8	8	33	33	12,1	87	774	5,7	13	1	24	Ўрта			
13	Йулдошев Дийёрбек Жасурбек ўғли	Ў	23.07.2011	127	26	61	10,8	0	30	10	10,8	92	769	5,6	7	1	24	Ўрта			
14	Маримова Хонзола Илёс кизи	Қ	04.02.2012	124	29	60	14,4	8	10	9	12,6	78	715	5,8	10	5	24	Ўрта			
15	Мухторова Гулрайно Муродбек кизи	Қ	21.02.2012	121	21	53	5,2	4	9	12	12,5	77	530	7,1	2	8	24	Ўрта			
16	Наримонова Хайитгул Улғабек кизи	Қ	30.11.2011	127	24	55	7,6	0	30	17	11,4	72	718	6,4	6	8	24	Ўрта			
17	Режабова Хайтхон Мансурбек кизи	Қ	07.09.2011	126	25	59	12,4	8	19	25	12,2	65	716	6,1	3	12	24	Ўрта			
18	Юнусова Хайтхон Сарвар кизи	Қ	24.03.2011	130	32	61	9,2	0	18	25	12,1	76	690	6,4	1	6	24	Ўрта			
19	Бағлибеков Худойберди Атабек ўғли	Ў	20.07.2011	128	26	61	8,8	20	25	19	11,8	114	781	5,4	5	1	23	Ўрта			
20	Егамбергенов Акмалбек Фарход ўғли	Ў	19.10.2011	126	25	59	8,8	0	10	9	11,6	106	295	6,2	3	1	23	Ўрта			
21	Ибраҳимов Аброр Шухрат ўғли	Ў	01.08.2011	128	24	57	11,2	0	20	17	11,7	89	773	5,6	6	0	23	Ўрта			
22	Эшчонов Шайдо Санжарбек кизи	Қ	03.03.2012	119	25	56	11,2	0	25	14	12,7	83	717	5,9	12	8	23	Ўрта			
23	Хожиназаров Сарварбек Санжарбек ўт	Ў	26.01.2011	129	28	61	10,8	0	19	13	11,4	102	690	5,9	5	1	22	Ўрта			
24	Давронбекова Мадинабону Хамид кизи	Қ	24.11.2012	127	27	60	12,4	10	15	13	12,6	64	440	6,2	3	10	13	Паст			
25	Абдуллаев Хожаббек Доһиёрўгли	Ў	28.08.2011	120	22	57	16	28	15	16	13,1	90	680	7,7	1	1	13	Паст			
26	Атаназаров Нарўзбек Дилшод ўғли	Ў	22.03.2011	119	21	56	16,1	27	15	18	13,3	80	620	7,9	1	0	13	Паст			
27	Бобоев Дийёрбек Ойбек ўғли	Ў	02.03.2012	120	21	55	16	25	13	13	12,4	85	655	7,8	0	1	13	Паст			
28	Солаев Воҳидбек Доһиёр ўғли	Ў	19.10.2011	123	25	62	14,8	0	15	32	10,1	122	725	5,8	6	1	13	Паст			
29	Джуманиязова Фариди Азаматовна	Қ	28.09.2012	114	17	55	16	20	14	12	11,9	70	435	7,8	1	2	13	Паст			
30	Қаламбаева Эъзола Юсуфбой кизи	Қ	12.03.2012	114	17	54	16,2	19	26	14	12,3	79	485	7,9	1	1	13	Паст			
31	Қўранбоева Халдирустам кизи	Қ	18.06.2012	113	16	53	16	22	24	12	12,8	67	445	8,1	0	1	13	Паст			
32	Қўранбоева Нишфар Умирбек кизи	Қ	19.03.2011	114	17	53	16,4	23	29	11	11,9	81	496	7,6	1	2	13	Паст			

Жадвалдан кўриниб турибдики, биз тўртта турдаги кўрсаткичларни аниқладик: антропометрик кўрсаткичлар, юрак-қон томир тизими параметрлари, нафас олиш тизими кўрсаткичлари ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари. Текширувлар натижаларига кўра, ишлаб чиқилган компьютер дастури даслабки ишловдан сўнг ўқувчиларни жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича учта гуруҳга ажратди: юқори, ўрта, паст.

Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш учун биз томонимиздан махсус шкала ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Ўқувчилар тайёргарлик даражасини аниқлаш учун махсус шкала

Т/р	Балларнинг тақсимланиши	Даража
1.	28-39	Юқори
2.	14-27	Ўрта
3.	0-13	Паст

Бу шкалада учта мезон аниқланди. Агар ўқувчи юқори натижа кўрсатиб меъёрни бажарса, унга уч балл, ўртача бажарганда икки балл ва паст бажарганда бир балл берилди. Умумий 4 та йўналиш бўйича тестлар сони 13 тадан иборат бўлиб, шу тариқа умумий максимал балл 39 баллни ташкил қилди. Даражалар биз томонимиздан ишлаб чиқилган жадвалга мувофиқ ҳар бир тест бўйича натижаларга қўйилган баллардаги баҳолар йиғиндисини умумлаштириш йўли билан аниқланди.

Тажриба қатнашчиларини 3 та гуруҳга бўлганимиз сабабли, жисмоний тарбия дарсларида бажариладиган жисмоний машқлар турлари параметрларининг тавсифларини ишлаб чикдик (1 - расмга қаранг).



**1-расм. Жисмоний машқларни бажаришда меъёрлаш турларининг таснифи**



Расмда биз етти турдаги меъёрларни таклиф қилдик, уларнинг ҳар бири жисмоний машқларни бажаришнинг яна учта усулига эга. Масалан, бажариладиган машқлар сони ҳаракат амалларини уч хилда бажариш усулига эга: ушбу меъёрда кўп, ўрта ва кам миқдорда бажариш. Машқ бажаришнинг энг муҳим мезонларидан бири жисмоний машқларнинг давомийлиги ҳисобланади, у ҳам учта хилга бўлинади: катта, ўрта, кичик. Жисмоний машқларни бажариш самарадорлигини ошириш учун одатда уч хилдаги суръат билан бажариш қўлланилади: тез, ўрта ва секин. Жисмоний машқларни, айниқса оёқларни силкитиш ва тана ҳаракатларини бажаришда жисмоний машқларни бажариш амплитудасини назорат қилиш жуда муҳим. Амплитуда учта турга бўлинади: юқори, ўрта ва паст. Жисмоний машқларни бажариш мураккаблиги даражаси жуда мураккаб, ўрта мураккабликдаги ва паст мураккабликдаги машқларга бўлинади. Жисмоний машқларни бажаришда ўқувчилар томонидан бериладиган куч даражаси катта аҳамиятга эга. Улар юқори, ўрта ва паст кучланишларга бўлинади.

Жисмоний машқларни бажаришда энг муҳим кўрсаткичлардан бири машқ бажаришдаги эмоционал ҳолатнинг кузатилишидир. Шубҳасизки, дарснинг тайёрлов қисмида жисмоний машқларни бажаришда унинг юқори эмоционал ҳолат билан бирга кечишига эришиш зарур. Дарснинг якуний қисмида эса жисмоний машқларнинг паст эмоционаллик билан бажарилишига эришиш лозим, чунки бу бутун дарс давомида тўпланган толиқишни чиқариб ташлаш учун керак.

Жисмоний машқларни бажаришда меъёрлар турларининг таснифига асосланиб, биз дарс конспектини тузишда меъёрларни режалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик. Барча машқлар ва ўқув вазифалари учта турдаги юкламаларга тақсимланди: ўтказилган тест синовларидан сўнг паст натижалар (0-13 балл) кўрсатган болалар учун; тест синовларидан сўнг ўртача натижалар (14-27 балл) кўрсатган болалар учун; ўтказилган тест синовларидан кейин юқори (28-39 балл) натижалар кўрсатган болалар учун. Ўқув юкламаларининг бундай тақсимланиши жисмоний тарбия дарсларини ўтказишда индивидуал-гуруҳли методдан мақсадли фойдаланишга имкон берди.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлик даражасига қараб учта гуруҳга тақсимлаш имконини берувчи бизнинг компьютер дастуримиз жисмоний тарбия дарсларида ўқув юкламаларини табақалаштирилган ҳолда тузиш методикасини ишлаб чиқишга имкон берди.

**Диссертациянинг «Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини тажрибада асослаш»** деб номланган тўртинчи бобида педагогик тажрибадан кейин тажриба ҳамда назорат гуруҳлари ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари таҳлили натижалари батафсил баён қилинган.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлигини

аниқлаш мақсадида Хоразм вилояти Урганч туманидаги 1-сонли ва 38-сонли умумтаълим мактаблари шароитларида бошланғич синф ўқувчилари (биринчи синф ўқувчилари, жами 7 ёшдаги 64 нафар ўқувчи, улардан 32 нафари - ўғил болалар ва 32 нафари - қиз болалар) орасида педагогик тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларнинг барча қатнашчилари (n=128) икки гуруҳга ажратилди: тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳлари. Гуруҳлардаги болалар сони бир хил (n=64) бўлди. Назорат гуруҳида жисмоний тарбия дарслари умумтаълим муассасалари учун мўлжалланган анъанавий дастур асосида, тажриба гуруҳида эса биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган методика асосида ўтказилди.

Педагогик тажриба бошида текширилаётган ўғил болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

**Педагогик тажриба бошида текширилаётган ўғил болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили (n=64,  $\bar{X} \pm \sigma$ )**

Т/р	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	t	p
<b>Антропометрик кўрсаткичлар</b>					
1.	Тик турганда тана узунлиги (бўй) (см)	124,6±8,7	124,2±8,6	0,13	>0,05
2.	Тана оғирлиги (вазн) (кг)	24,9±2,2	24,1±2,1	0,94	>0,05
3.	Кўкрак қафаси айланаси (см)	59,2±3,5	60,9±3,6	1,35	>0,05
<b>Юрак-қон томир тизими параметрлари</b>					
4.	Руфье тести (сония)	11,7±0,93	11,2±0,89	1,56	>0,05
5.	Ортостатик синов (тикланиш коэффициенти) (сония)	9,8±0,88	9,2±0,82	1,66	>0,05
<b>Нафас олиш тизими кўрсаткичлари</b>					
6.	Штанге синови (сония)	23,6±1,6	22,1±1,5	0,53	>0,05
7.	Генче синови (сония)	20,2±1,6	21,3±1,7	1,88	>0,05
<b>Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари</b>					
8.	3x10м га моқисимон югуриш (сония)	11,4±1,02	11,1±0,99	0,84	>0,05
9.	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	98,8±5,9	99,7±5,9	0,43	>0,05
10.	6 дақиқа югуриш (метр)	710,1±42,6	716,4±42,9	0,41	>0,05
11.	30 м га югуриш (сония)	6,1±0,54	6,3±0,44	1,15	>0,05



## 3-жадвалнинг давоми

12.	Ўтирган ҳолатдан олдинга эгилиш (см)	6,2±0,46	5,9±0,53	1,71	>0,05
13.	Баланд турникдан кўлларини юқоридан тутиб осилиб турган ҳолатда тортилиш (марта)	0,8±0,11	0,9±0,12	2,45	<0,05

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ўн иккита кўрсаткичлар бўйича биз ишончли статистик фарқларни аниқламадик, фақат ўн учинчи кўрсаткич, яъни турникда тортилишда тажриба ва назорат гуруҳлари орасида статистик фарқларни қайд қилдик. Тажриба гуруҳи ушбу меъёр бўйича бироз пастроқ тайёргарликка эга бўлган.

Тажриба ва назорат гуруҳларига бир хил тайёргарлик даражасига эга бўлган болалар танлаб олинган, деган хулосага келиш учун асос бор ва бу педагогик тажрибани мақсадли амалга ошириш имконини беради.

Педагогик тажриба бошида текширилаётган қиз болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (4-жадвалга қаранг).

## 4-жадвал

**Педагогик тажриба бошида текширилаётган қиз болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили (n=64,  $\bar{X} \pm \sigma$ )**

T/p	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	t	p
<b>Антропометрик кўрсаткичлар</b>					
1.	Тик турганда тана узунлиги (бўй) (см)	122,8±7,3	121,7±7,2	0,42	>0,05
2.	Тана оғирлиги (вазн) (кг)	24,1±2,1	23,6±2,1	0,67	>0,05
3.	Кўкрак кафаси айланаси (см)	57,2±3,4	58,4±3,5	0,98	>0,05
<b>Юрак-қон томир тизими параметрлари</b>					
4.	Руфье тести (сония)	12,1±0,96	11,9±0,95	0,59	>0,05
5.	Ортостатик синов (тикланиш коэффиценти) (сония)	9,1±0,81	8,9±0,80	0,70	>0,05
<b>Нафас олиш тизими кўрсаткичлари</b>					
6.	Штанге синови (сония)	20,8±1,4	21,2±1,6	0,75	>0,05
7.	Генче синови (сония)	16,3±1,4	17,1±1,3	1,67	>0,05

Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари					
8.	3x10м га моқисимон югуриш (сония)	12,1±1,08	12,3±1,10	0,52	>0,05
9.	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	80,1±4,8	79,8±4,7	0,17	>0,05
10.	6 дақиқа югуриш (метр)	598,4±53,8	601,2±54,1	0,14	>0,05
11.	30 м га югуриш (сония)	6,5±0,45	6,3±0,44	1,29	>0,05
12.	Ўтирган ҳолатдан олдинга эгилиш (см)	5,6±0,39	5,8±0,40	1,45	>0,05
13.	Паст турникда осилиб ётган ҳолатда тортилиш (марта)	7,3±0,51	7,7±0,53	2,19	<0,05

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ўн иккита кўрсаткичлар бўйича биз ишончли статистик фарқларни аниқламадик, фақат ўн учинчи кўрсаткич, яъни турникда тортилишда тажриба ва назорат гуруҳлари орасида статистик фарқларни аниқладик. Тажриба гуруҳи ушбу меъёр бўйича бироз пастроқ тайёргарликка эга бўлган.

Тажриба ва назорат гуруҳларига бир хил даражага эга болалар танлаб олинган, деган хулосага келиш учун асос бор ва бу педагогик тажрибани мақсадли амалга ошириш имконини беради.

Педагогик тажриба охирида текшириляётган ўғил болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари қиёсий статистик таҳлил қилинди (5-жадвалга қаранг).

#### 5-жадвал

**Педагогик тажриба охирида текшириляётган ўғил болалар гуруҳида бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг қиёсий статистик таҳлили (n=64,  $\bar{X} \pm \sigma$ )**

T/p	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	t	p
Антропометрик кўрсаткичлар					
1.	Тик турганда тана узунлиги (бўй) (см)	127,9±8,9	127,1±8,8	0,25	>0,05
2.	Тана оғирлиги (вазн) (кг)	27,5±2,4	27,3±2,4	0,23	>0,05
3.	Кўкрак қафаси айланаси (см)	61,3±3,6	61,5±3,6	0,15	>0,05
Юрак-қон томир тизими параметрлари					
4.	Руфье тести (сония)	9,9±0,79	10,6±0,84	2,45	<0,05

5.	Ортостатик синов (тикланиш коэффициенти) (сония)	8,3±0,74	8,7±0,78	1,55	>0,05
Нафас олиш тизими кўрсаткичлари					
6.	Штанге синови (сония)	26,9±1,8	23,2±1,6	6,16	<0,01
7.	Генче синови (сония)	23,1±1,8	22,5±1,8	0,94	>0,05
Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари					
8.	3x10м га моxисимон югуриш (сония)	9,8±0,88	10,5±0,94	2,18	<0,05
9.	Турган жойдан узунликка сакраш (см)	113,6±6,8	104,6±6,2	3,91	<0,01
10.	6 дақиқа югуриш (метр)	809,5±48,5	752,2±45,1	3,46	<0,01
11.	30 м га югуриш (сония)	5,2±0,31	6,1±0,36	7,65	<0,01
12.	Ўтирган ҳолатдан олдинга эгилиш (см)	7,1±0,49	6,3±0,39	5,16	<0,01
13.	Баланд турникдан кўлларини юқоридан тутиб осилиб турган ҳолатда тортилиш (марта)	1,2±0,15	1,1±0,13	2,10	<0,05

Жадвалда ўн учта кўрсаткичлардан саккизтасида яхшиланишни кузатишимиз мумкин. Масалан, антропометрик кўрсаткичлар бизга тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида статистик фарқларни аниқлаб бермади. Тана узунлиги тажриба гуруҳида 127,9±8,9 см ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса биз статистик фарқларни аниқламадик - 127,1±8,8 см ( $t=0,25$ ;  $p>0,05$ ). Тана оғирлиги тажриба гуруҳида 27,5±2,4 кг бўлган бўлса, назорат гуруҳида 27,3±2,4 кг га тенг бўлди, бу ерда ҳам статистик ишончли фарқлар аниқланмади. Кўкрак қафаси айланаси ҳам статистик фарқларга эга бўлмади, бунда тажриба гуруҳида натижа 61,3±3,6 см га, назорат гуруҳида эса 61,5±3,6 см га тенг бўлди ( $t=0,15$ ;  $p>0,05$ ).

Кейинги гуруҳ кўрсаткичлари, Руфье тести бўйича тажриба охирида ишончли статистик фарқларни аниқладик. Бу ерда тажриба гуруҳида натижа 9,9±0,79 сонияни, назорат гуруҳида эса 10,6±0,84 сонияни ташкил қилди ( $t=2,45$ ;  $p<0,05$ ). Ортостатик синов статистик ишончли фарқларни кўрсатмади, бироқ кичик ўзгаришлар юзага келди: тажриба гуруҳида 8,3±0,74 сония, назорат гуруҳида - 8,7±0,78 сония натижа кўрсатилди ( $t=1,55$ ;  $p>0,05$ ).

Нафас олиш тизими кўрсаткичлари бўйича қуйидаги натижаларни олдик: Штанге синови бўйича тажриба охирида биз статистик ишончли фарқларга эга бўлдик, бунда тажриба гуруҳида - 26,9±1,8 сония, назорат гуруҳида - 23,2±1,6 сония. Шуни кўришимиз мумкинки, тажриба гуруҳи болалари назорат гуруҳи болаларидан анча устунликка эга бўлишди ва бу статистик таҳлиллар билан тасдиқланади ( $t=6,16$ ;  $p<0,01$ ). Бироқ Генче

синови бизга статистик фарқларни аниқлаб бермади: тажриба гуруҳида -  $23,1 \pm 1,8$  сония, назорат гуруҳида -  $22,5 \pm 1,8$  сония ( $t=0,94$ ;  $p>0,05$ ).

Жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари бўйича кўришимиз мумкинки, бу ерда барча кўрсаткичлар бўйича ишончли статистик фарқлар мавжуд. Бу шундан далолатки, биз томонимиздан таклиф қилинган методика ижобий натижа берди ва бу жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларида ўз аксини топди. Биз тажриба охирида  $3 \times 10$  м га моқисмон югуришда тажриба гуруҳида натижа  $9,8 \pm 0,88$  сония, назорат гуруҳида эса  $10,5 \pm 0,94$  сонияни ташкил қилганлигини аниқладик. Бу катта статистик фарқни кўрсатади ( $t=2,18$ ;  $p<0,05$ ). Турган жойдан узунликка сакраш тажриба гуруҳида  $113,6 \pm 6,8$  см га, назорат гуруҳида эса  $104,6 \pm 6,2$  см га тенг бўлди, тажриба охирида катта статистик фарқлар кузатилди ( $t=3,91$ ;  $p<0,01$ ).

